

## **РАКАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР: МОҲИЯТИ ВА ЎЗИГА ХОСЛИГИ**

**ТДПУ доценти фалсафа фанлари номзоди, М X.Тиллаволдиева**

**Аннотация.** Ушбу мақолада ракамли технологияларининг моҳияти ва ўзига хослигига доир айрим масалалар таҳлил этилади. Шунингдек, интернет, телевидение, кино, радио, видео, мобил телефони, турли маълумотлар акс этган слайд ва суратлар каби алоқа ва маълумот узатувчи воситаларнинг жадал ривожланиб бориши, ракамли-аксиологик -маданиятини шакллантириш ҳамда ўсиб келаётган авлоднинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммоларини англаш ва бартараф этиш – бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири эканлигига эътибор қаратилади.

**Таян тушунчалар:** ракамли таълим, усул, услуг , ижтимоий, онлайн, ахборот, жамият, интернет, маданият, коммуникация, глобаллашув, технология, медиасаводхонлик, ижтимоий тараққиёт ва бошқалар.

Таъкидлаш жоизки,, замонавий глобаллашув шароитида олий таълим соҳасидаги онлайн ўқитиши усуллари замонавий ракамли воситалари билан бойитилиши натижасида таълим сифатининг янада ортиши кутилмоқда. Бу борада масофавий ўқитиши усули ўқитувчи-педагог ва талабалар учун ҳам қатор қулийликларга эгалиги билан алоҳида аҳамиятга эгадир. Эндиғи вазият талабалар учун зарур бўлган ўқув-услубий материаллар ахборотни химоялаш муаммоси асосан компьютер тизимлари ва тармоқлари соҳасида фаолият кўрсатувчи мутахассислар ҳамда замонавий компьютерлар воситаларидан фойдаланувчилар эътиборини жалб этмоқда. Бундай ахборот воситаларига асосан, ёшлар жуда катта қизиқиш билан қарashi ва улардан кенг фойдаланишини ҳисобга олсак, ҳақиқатдан ҳам, бу масаланинг нақадар улкан аҳамиятга эга эканини англаш қийин эмас. Шу жихатдан ушбу мақолада ахборот технологияларининг ижтимои тараққиетдаги тутган ўрни масаласига эътибор қаратилди .

Маълумки, ахборот оламида интернет, интернет-телевидение, интернет-радио, электрон почта, онлайн-видео каби кўплаб янги ахборот тарқатиш технологиялари тез суръатлар билан ривожланмоқда Замонавий глобаллашув шароитида олий таълим соҳасидаги онлайн ўқитиш усуллари замонавий ракамли ахборот воситалари билан бойитилиши натижасида таълим сифатининг янада ортиши қутилмоқда. Бу борада масофавий ўқитиш усули ўқитувчи-педагог ва талабалар учун ҳам қатор қулайликларга эгалиги билан алоҳида аҳамиятга эгадир. Эндиғи вазият талабалар учун зарур бўлган ўқув-услубий материаллар ахборотни ҳимоялаш муаммоси асосан компьютер тизимлари ва тармоқлари соҳасида фаолият кўрсатувчи мутахассислар ҳамда замонавий компьютерлар воситаларидан фойдаланувчилар эътиборини жалб этмоқда. Бундай ахборот воситаларига асосан, ёшлар жуда катта қизиқиши билан қарashi ва улардан кенг фойдаланишини ҳисобга олсан, ҳақиқатдан ҳам, бу масаланинг нақадар улкан аҳамиятга эга эканини англаш қийин эмас.

Ахборот оламида интернет, интернет-телевидение, интернет-радио, электрон почта, онлайн-видео каби кўплаб янги ахборот тарқатиш технологиялари тез суръатлар билан ривожланмоқда.

Бугунги кунда ахборот оламида интернет, интернет-телевидение, интернет-радио, электрон почта, онлайн-видео каби кўплаб янги ахборот тарқатиш технологиялари тез суръатлар билан ривожланиб, уларнинг аудиторияси ва таъсир доираси тобора кенгайиб бораётганлигига гувоҳ бўлмоқдамиз. Бундай ахборот воситаларига асосан ёшлар жуда катта қизиқиши билан қарashi ва улардан кенг фойдаланишини ҳисобга олсан, ҳақиқатдан ҳам, бу масаланинг нақадар улкан аҳамиятга эга эканини англаш қийин эмас.

Маълумки, аҳоли ўртасида, жумладан, ёш авлод онгида дунёда, ён-атрофимиизда бўлаётган воқеа-ҳодисалар, янгиликлар ҳақидаги фикрларнинг шаклланишида ахборот воситалари катта роль ўйнайди.

Интернет, телевидение, кино, радио, видео, мобил телефони, турли маълумотлар акс этган слайд ва суратлар каби алоқа ва маълумот узатувчи ракамли воситаларнинг жадал ривожланиб бориши ҳаётимизни сифат жиҳатдан ўзгартириб, кўплаб янги муаммоларни, масалан, ракамли - маданиятини шакллантириш ҳамда ўсиб келаётган авлоднинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммоларини англаш ва бартараф этишни такозо этади.

Ахборот коммуникация ва ракамли технологиялардан фойдаланиш маданияти ўқувчини мустақил фикр юритишга, ижодкорлик фаолиятларини ривожлантиришга, ахборот олиш, уни қайта ишлаш, умумлаштириш, хуроса чиқаришга ўргатиб, ёшларнинг дунёқараши, интеллектуал салоҳиятининг ривожланишига ва камол топишига замин яратади. Ёшларимизнинг ахборот билан ишлаш, ахборот қидириш, турли ёлғон маълумотларга алданиб қолмаслик, зарур ахборотларни ажрата билиш, қайта ишлаш, тартибга келтириш, ахборот мазмунини тушуниш, дўстларга холис манбаларни узатиш, мантиқий фикрлай олишни ўрганиш асосида ахборот маданияти шаклланади. Ахборотнинг ким учун ва нима мақсадда тайёрланганлигини тушуна билиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир ўқувчи алоқа соҳасида қандай техник воситалар ишлатилиши тўғрисида умумий тасаввурга эга бўлиши керак.

Бугунги глобаллашув жараёнида ёшларда ахборотларни таҳлил қила олиш, ахборотдаги асосий хабарни ажратиш, алоқанинг йўналишини, унинг яширин маъносини тўғри тушуниш, қисқа қилиб айтганда, ҳар қандай ахборотни таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантиришга таълимнинг барча босқичларида алоҳида эътибор қаратиш лозим деб хисоблаймиз.

Умуман, таълим тизими олдидағи устувор вазифалардан бири ёш авлодга замонавий билим бериш билан бирга, уларни мустақил ракамли маданият ила фикрловчи, умуминсоний ва миллий қадриятларни эъзозловчи, юксак инсоний фазилатларга эга ватанпарвар инсон сифатида тарбиялаш ҳамда ёшлар онгига турли мафкуравий таҳдидлар ва ахборот хуружларига қарши маънавий иммунитетни шакллантиришдан иборатдир. Бугунги глобаллашув жараёнида ёшларнинг замонавий ахборот-коммуникация тармоқларидан, хусусан, интернетдан фойдаланиш, ахборотларни таҳлил этиш борасидаги билим ва кўникмаларини юксалтириш муҳим масала ҳисобланади. Маълумотларда келтирилишича, ҳар бир фойдаланувчи қунига интернетдан фойдаланиш учун кўплаб вақт ажратар экан. Бироқ бугунги кун талабига кўра эса, зарур ахборот ва маълумотларни кераксиз ва яроқсиз, сохталаридан ажрата олиш, яъни медиасаводхонликка эга бўлиш зарурати юзага келди. Аввало, медиасаводхонликнинг ўзи нима, нега унга бугун дунё бўйлаб талаб ортиб бормоқда каби саволларига жавоб топиш лозим.

Чунки сўнгги йилларда ахборот оқимининг бир неча баробар тезлашиши, ижобий маълумотлар билан бир қаторда, салбий характердаги ахборотнинг

кўпайиши медиасаводхонликка эга бўлиш заруратини қўйди. Анъанавий тарзда медиасаводхонлик шахснинг асарларни таҳлил эта олиш ва сифатли матнларни яратишдан иборат бўлган.

Ракамли таълим - укув жараёнини визуал материаллар билан бойитишига, дарснинг сифатли ўтилиши ва ўқувчи-талабалар томонидан ўзлаштириш самарадорлигини оширишга хизмат қиласи. Шу билан бирга, modem, фото, видео, компьютер технологиялари, Интернет билан дўстлашиш, билимларни кенгайтириш имконини яратади. «Лекин медиа яхшилик билан бир қаторда, ёвузвликка ҳам хизмат қилишга қодир. Бугун «ўргимчак одам»га ҳавас қилиб, ўзини пастга отган болалар, рекламаларда берилаётган барча ахборотларга ишонувчи шахслар, ёт ғояларга эргашиб кетаётган кимсалар ҳам бор», — дейди журналист ўз фикрининг давомида.

Бугунги ракамли муҳитини тушунишда медиасаводхонлик муҳим аҳамият касб этади. Ёшларда аввало, ОАВ орқали узатилаётган ва қабул қилинаётган кундалик ахборотни саралаш кўникмаларини, турли ахборотларни қабул қилгандан кейин ҳам ҳар қандай вазиятда тўғри қарор қабул қилиш, ахборот қаердан, ким томонидан ва нима мақсадда узатиляпти, ўзида кимнинг манфаатларини акс эттиряпти деган тушунчаларни шакллантириш лозим. Моҳияти ўрганилмаган, ёлғон тарқатилаётган хабар ва ахборотларнинг ҳаётимизни тубдан ўзгартириб юбориши муқаррардир. Юқоридаги мақолада: «Айнан ахборотни таҳлил этмай, ўз ҳолича қабул қилиш оқибатида, дунёнинг турли чеккаларида ёшлар жиноятга қўл урмоқда, ўзини кино қаҳрамони сифатида ҳис қилганлар эса, «қаҳрамон» хатти-ҳаракатларини такрорлаган ҳолда қўлларига қурол олиб, бегуноҳ инсонлар ҳаётига зомин бўлишмоқда. Демак, айнан ана шу ҳолатларнинг олдини олиш, ахборотга онгли равишда ёндашиш бугун замон талабидир» — деган сатрлар баён этилган.

Қайд этганимиздек, глобаллашув, глобал ахборот жамияти шаклланиши шароитида ахборот-коммуникация технологиялари, аввалимбор, интернет болалар ва ўсмирлар ривожланишига таъсир этувчи муҳим омилга айланиб бормоқда.

Шу билан бирга, ахборот-коммуникация, интернет-технологияларининг жамият ҳаётининг барча соҳаларига кенг миқёсда жорий этилиши ёшларни ахборот соҳасидаги хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш, четдан кириб келаётган

мафқуравий хуружлардан, уларнинг онгини бузғунчилик таъсирларидан сақлаш масалаларининг долзарблигини қучайтириди.

Ижтимоий тармоқлар, компьютер ўйинлари фойдаланувчилари, видео ва киномаҳсулот истеъмолчилари уларнинг жисмоний ва мъянавий-ахлоқий ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи ахборотларга дуч келаётган ҳолатлари учрамоқда. Бу борада ривожланган демократик мамлакатлар тажрибаси алоҳида эътиборга молик, уларда мазкур масалалар қўйидаги вазифалар орқали ҳал этилади:

- ёшлар ва болаларни ахборот маконида ҳимоя қилишга қаратилган миллий қонунчиликни ривожлантириш;
- медиа-саводхонлик, тармоқда мулоқот қилиш одобини юксалтириш;
- интернетда хавфсиз ишлапни қўллаб-куватлашнинг техник механизмларини яратиш;
- мазкур масалаларни ҳал этишда давлат органлари, таълим муассасалари, оила, фуқаролик жамияти институтлари, ОАВ кенг иштироки ва ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш ва бошқалар.

Маълумки, миллий қонунчилигимизда ҳам ёшларни носоғлом ахборотлардан ҳимоялашнинг механизмлари мавжуд. Хусусан, «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Конунда «Ўзбекистон Республикасида ёшлар орасида одоб-ахлоқни бузишга, шу жумладан, зўравонликни, ҳаёсизликни ва шафқатсизликни ташвиқот қилишга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар ман этилиши», «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Конунда «Порнография, шафқатсизлик ва зўравонликни намойиш этувчи, инсон қадр-қимматини таҳқирловчи, болаларга заарли таъсир кўрсатувчи ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишига сабаб бўлувчи оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш, адабиётларни тарқатиши ҳамда фильмларни намойиш этиш тақиқланиши» белгилаб берилган.

Тезкор интернет орқали қабул қилинаётган, ахборотларнинг аксарият фойдаланувчилари ёшлар ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Фахриддин Солийевнинг «Интернетдан фойдаланиш маданияти» мақоласида шундай дейилади: Глобал ахборот маконига реал кўз билан қарайдиган бўлсак, ҳозирда кенг

жамоатчиликни хавотир ва ташвишга солиб келаётган муаммолардан бири, шубҳасиз, ахборот маконида «носоғлом» манфаатлар, зиддият ва қарама-қаршиликлар таъсиридаги ахборотларнинг (ўз жонига қасд қилишнинг осон йўлларини тарғиб қилувчи 9 минг, ахлоқсиз мазмунга эга 4 мингдан зиёд сайтлар, компьютер ўйинлари зўравонлик ва ёвузилик, ўта жангари руҳдаги (бешафқат урушлар, ўлдиришлар, отишмалар ва ҳоказо) Интернет сайtlари мавжудлиги), миллий ахборот маконимизга кириб келишидир.

Дарҳақиқат, «Газета.уз» ҳамда «Дарё.уз» сайтлари хабарларига қўра, Ўзбекистонда интернет фойдаланувчилари сони 13 миллиондан ошган. Ўзбекистондаги ягона таълим портали ҳисобланган Зиёнет.уз, всетут.уз, мулоқот.уз ва шу каби жами сайtlарда рўйхатдан ўтганлар жамланганда ҳам биргина ижтимоий тармоққа кирувчилар микдорига тенглаша олмаслиги ачинарли ҳолатdir.

Ушбу рақамлар миллий сайтларимизни ёшлар учун жозибадор, мазмунли, савияли, қизиқарли, ўзига тортувчи қилиб яратиш масаласига жиддий эътибор қаратишга ундаиди. Миллий сайтларимиз олдинда юрмасада, бошқа чет эл сайтларидаги каби «ўзига жалб қилиш» доирасини кенгайтирса, ёшларимиз миллий сайтларга биринчи бўлиб, мурожаат қилиши мумкин бўлади. Ахборот соҳаси либераллашаётган бир пайтда, узоқ-яқин мамлакатлардаги турли хил сиёсий, мафкуравий ва бошқа кучлар, жумладан, 120 га яқин давлат ахборот хуружларини уюштириш устида иш олиб бораётгани, ўзларининг ғаразли манфаатлари йўлида оммавий коммуникация воситаларидан фойдаланиб, ахборот эркинлигини суистеъмол қилиб, ўсиб келаётган ёш авлодга ахборот таҳдидларини кўрсатиш орқали, ҳали онги ва ҳаётий қараашлари шаклланиб улгурмаган ёшларни чалғитищ, уларнинг онги ва қалбини эгаллаш йўлидаги интилишларини кучайтираётгани сир эмас.

Бугун ракамли технологиялар кириб бормаган соҳа қолмади. Қайси бир жабҳани олмайлик қулайлик, ошкоралик ва тезкорлик бобида замонавий ахборот технологиялари янгиланишларнинг муҳим омилига айланиб бораётir. Шу боис юртимизда иқтисодий-барқарорлик, ижтимоий фаровонликни таъминлаш, аҳоли турмуш даражасини янада ошириш учун барча жабҳага ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу борада, энг аввало, соҳанинг ҳуқуқий асосларини шакллантиришга эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ўтган даврда

“Ахборотлаштириш тўғрисида”ги “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги, “Электрон хужжат айланиши тўғрисида”ги, “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги, “Электрон хукумат тўғрисида”ги бир қатор қонунлар қабул қилингани бунинг тасдигидир. Рақамли технологияларни ривожлантириш ва кенг қўллаш давлатимизнинг яқин ҳамда узоқ муддатга мўлжалланган муҳим стратегик вазифалари қаторида турганини алоҳида қайд этиш жоиз. Бунга Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимиға киришиш тантанали маросимиға бағишлиланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи мисолида яна бир бор амин бўлиш мумкин. Унда таъкидланганидек, 2030 йилгача мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини 2 баробардан зиёд оширишда илғор технологиялар ҳамда ахборот-коммуникация тизимларини барча соҳага янада фаол жалб этиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Бинобарин, жаҳон амалиёти ахборот-коммуникация технологияларнинг тараққиёти мамлакатнинг рақобатдошлигини ошириш, катта оқимдаги ахборотни тўплаш ва умумлаштириш, бошқарувни стратегик даражада ташкил этиш учун кенг имкониятлар яратиб беришда асосий омилга эга эканлигини кўрсатмоқда. Айни пайтда дунё бўйича яратилаётган ялпи ички маҳсулотнинг ўртacha 5,5 фоиздан ортиғи ахборот-коммуникация технологиялари хиссасига тўғри келмоқда. Мутахассислар фикрига кўра, ушбу кўрсаткич 2023 йилда 10 фоиздан ошиши кутилмоқда. Бундан кўриниб турибдики, замонавий ахборот технологиялари ва дастурий маҳсулотлар даромадбоп соҳалардан бири сифатида давлат иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим тармоклардан бирига айланиб бораётир. Айнан ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш давлат идоралари фаолиятининг янада шаффоғлигини таъминлашга, муҳим бошқарув жараёнларида фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситаларининг фаол иштирок этиши учун шароит яратади, қолаверса, бугун ҳаётнинг ўзи бизга ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш бизнес юритишни яхшилаш, иқтисодиётнинг рақобатдошлигини ошириш, фуқароларнинг хуқуқ ва манфаатларини таъминлаш билан бирга, ҳаёт сифатини оширишга ҳам хизмат қилишини кўрсатиб турибди.

Хулоса урнида таъкидлаш жоъизки, ракамли технологиялар ислоҳотлар жараёнининг очиқлигини таъминлаш, давлат ва жамият ўртасида самарали ахборот алмашиш механизмини ўрнатишда муҳим - восита саналади. Айни пайтда хукумат, вазирлик ва идоралар, шунингдек, парламент аъзоларининг аҳоли билан самарали муроқот ўрнатиш учун маҳсус виртуал қабулхоналари ташкил этилгани, аввало, жаҳон амалиётига уйғун ҳолда соҳада қонун хужжатларини муттасил такомиллаштириб бориш, янги қонунларнинг мазмун-моҳиятидан кенг жамоатчиликни хабардор қилиш ва уларни амалиётга самарали татбиқ этишга хизмат қиласи.

## **АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ.**

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
2. Ўзбекистон Республикаси ВМ нинг 2002 йил 6 июндаги № 200 “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори”
3. Ўз.РХТВ 13.02.2008 йил, 35 сонли буйруш /Халқ таълими вазирлигининг ахборот –портали ([WWW.EDU PORTAL.UZ](http://WWW.EDU PORTAL.UZ) ).
4. Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. ЎРҚ-406-сон. 2016 йил 14 сентябрь.
5. Аминов И.Б. Таълим тизимида АҚТдан фойдаланиш. Самду Самарқанд 2012 йил.асалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). –Т.: “Истеъод” жамғармаси, 2009. – 160 б.
7. Бегимқулов У. Педагогик таълимда замонавий ахборот технологияларини жорий этишнинг илмий-назарий асослари. Монография. Тошкент 2007 йил.
8. Кодиров Б.Ф., Бегимқулов У.Ш., Абдуқодиров А.А. Ахборот технологиялари. Электрон дарслик. Тошкент. 2002 йил
9. Абдуманнонов А. Таълим сифатини оширишда ахборот технологияларидан фойдаланиш. Тошкент. 2017 йил.
- 10.. Борисова Т.С. Гигиенические основы компьютеризации обучения. Минск БГМУ, 2018.